

Режеп Таййип Эрдоған «Олий даражали Имом Бухорий» ордени билан тақдирланди



01:03 / 11.11.2022 833

Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев маълум қилди. «Бугун тарихий воқеа — бугун қардошим Режеп Таййип Эрдоған Ўзбекистоннинг «Олий даражали Имом Бухорий» ордени билан тақдирланди», — деди Президент.

«Хабарингиз бор, 2017 йили БМТнинг 72-сессиясида улуғ бобомиз Имом Бухорийнинг меросини ўрганиш ҳақида гапиргандим ва ўша пайтда Туркия Президенти, қардошим Режеп Таййип Эрдоған бу фикрларни қўллаб-қувватлаган эди», — дея қўшимча қилди давлат раҳбари.

«Биз Ўзбекистонда Имом Бухорий бобомизнинг меросини чуқур ўрганиш учун Самарқанд замида ул зотнинг номида халқаро илмий-тадқиқот маркази ва ҳадис илми мактабини ташкил этдик», — деди Президент.

«Ўзбекистон халқи сизнинг қардош элларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни кенг қамровли стратегик шериклик даражасига олиб чиқиш, ўзаро манфаатли лойиҳаларни самарали амалга ошириш борасидаги шахсий ҳиссангизни яхши билади ва юксак қадрлайди. Ишончим комилки, умумий тил ва маданиятга, аجدодларимизнинг бой меросига, муштарак интилишга асосланган дўстлик ва қардошлик муносабатларимиз янада

равнақ топади», — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Эслатиб ўтамиз, «Олий даражали Имом Бухорий» ордени илм-фан ва маданият, жумладан, ислом маърифати ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ҳамда илмий меросини ўрганиш ва халқаро майдонда кенг тарғиб қилишда катта ютуқларга эришган хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларига берилади.

Манба: @uzauz



